

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9078 тани ташкил қилиб, шундан 8770 таси ёки 96,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1831 та (20,2 фоизи), саноат 1418 (15,6 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 851 та (9,4 фоизи) ва қурилиш 813 та (9,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	9078	100	8770	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	851	9,4	828	9,4
саноат	1418	15,6	1360	15,5
қурилиш	813	9,0	788	9,0
савдо	1831	20,2	1771	20,2
ташиш ва сақлаш	331	3,6	320	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	611	6,7	587	6,7
ахборот ва алоқа	127	1,4	119	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	334	3,7	333	3,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2762	30,4	2664	30,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,7 фоизи нодавлат мулки

шаклидаги корхоналар, шундан 52,5 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 17,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-декабрда жами 2278 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 866 та). Уларнинг асосий қисми Хатирчи (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (34,4 фоизи), Навбахор (16,3 фоиз), Қизилтепа (13,7 фоиз), Навоий шаҳар (14,0 фоиз) Кармана (11,8 фоиз), ва Нурота (3,6 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 68,2 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 8,3 фоизи саноат ва 7,8 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 1121 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.